

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**642** «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирок-  
чисининг ички назорати тўғрисидаги низомни тас-  
диқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғри-  
сида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-  
ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.,  
29-30-сон, 278-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил  
28 августдаги ПФ-4561-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
айрим ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек айрим-  
ларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекис-  
тон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 36-сон, 477-модда)  
ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартда-  
ги 126-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2008 йил 29 ноябрдаги 2008-41-сон «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1899, 2009 йил 6 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 66-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош директор**

**Б. АТАХАНОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 29 ноябрь,  
2013-06-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги  
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-  
риш ва ривожлантириш маркази Бош  
директорининг 2013 йил 29 ноябрдаги  
2013-06-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг  
ички назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги  
буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомнинг 1-банди бешинчи хатбошисидаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.